

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

501 Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар
фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168*

(2011 йил 1 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 104-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармонини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 175-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2003 йил 1 февралдаги 07-26, 01/367, 29-сонли «Давлат нотариал идоралари фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1214, 2003 йил 1 февраль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 йил, 3-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Адлия вазири

Тошкент ш.,
2010 йил 22 декабрь,
19-сон

Р. МУҲИТДИНОВ

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги****А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 22 декабрь,
201-сон

Молия вазирлиги**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 22 декабрь,
106-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил
22 декабрдаги 19, 201, 106-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар
фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сон «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 37-сон, 313-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 104-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ–4216-сон Фармонини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 175-модда) мувофиқ давлат нотариал идоралари (бундан кейинги ўринларда нотариал идора деб юритилади) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивлар (бундан кейинги ўринларда нотариал архивлар деб юритилади) фаолиятини молиялаштириш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Нотариал идоралар ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш манбалари бўлиб:

нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божи суммасидан 15 фоиз миқдоридagi ажратмалар;

нотариал идоралар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар (хизматлар) кўрсатилганлиги учун тушумлар;

герб йиғими;

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган давлат божлари суммасининг ҳудудий адлия органларининг ғазначилик ҳисоб рақамларига тушадиган 15 фоизи миқдоридagi маблағларининг бир қисмини (бундан кейинги ўринларда жамланган маблағлар деб юритилади) нотариал идоралар ва нотариал архивлар фаолиятини такомиллаштириш тадбирларини молиялаштиришга, шунингдек айрим минтақаларнинг нотариал идоралари ва нотариал архивларини сақлаш учун ўз маблағларининг етишмаган қисмини қоплашга мақсадли йўналтирган ҳолда жамлаш ҳуқуқига эга.

Жамланган маблағларнинг миқдори Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг алоҳида буйруқлари билан аниқланади ва мазкур банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган харажатларни молиялаштириш эҳтиёжидан ошиб кетмаслиги лозим.

3. Нотариал идоралар ва нотариал архивларнинг фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар тушумининг ҳисоби тегишли ҳудудий адлия органлари томонидан амалга оширилади.

II. Нотариал идоралар ва нотариал архивларни сақлаш учун даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби

4. Қуйидагилар тузилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида даромадлар ва харажатлар сметалари (бундан кейинги ўринларда ҳудудий сметалар деб юритилади) — нотариал идоралар ва нотариал архивларни сақлаш учун смета;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати даромадлари ва харажатлари сметаси (бундан кейинги ўринларда марказий аппарат сметаси деб юритилади) — нотариал идоралар ва нотариал архивлар фаолиятини такомиллаштириш тадбирларини молиялаштириш, шунингдек нотариал идоралар ва нотариал архивлар таъминоти учун айрим минтақалар маблағларининг етишмаган қисмини қоплаш учун смета;

даромадлар ва харажатларнинг жамлама сметаси — ҳудудий сметалар ва марказий аппарат сметасини ўз ичига олувчи смета.

5. Режалаштирилаётган йил учун даромадлар ҳажмини аниқлашда режалаштирилаётган йил бошига маблағлар қолдиғи ва охириги икки йилдаги

тушумларнинг динамикасидан келиб чиққан ҳолда тушиши кутилаётган тушумларнинг ҳажми ҳисобга олинади.

Сметанинг даромад қисми:

ҳудудий сметалар бўйича — нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун нотариуслар томонидан ундириладиган давлат божи суммасидан 15 фоиз миқдордаги ажратмалар, даража унвонлари ва кўп йил ишлаганлик учун лавозим маошларига қўшимча ҳақларни тўлаш учун Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағлар, нотариал идоралар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар (хизматлар) кўрсатилганлиги учун тушумлар ҳисобига;

марказий аппарат сметаси бўйича — нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган давлат божлари суммасининг ҳудудий адлия органларининг вазначилик ҳисоб рақамларига тушадиган 15 фоизи миқдордаги маблағларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида жамланадиган маблағлар қисми, шунингдек герб йиғими ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига шакллантирилади.

Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари (даража унвонлари ва кўп йил ишлаганлик учун лавозим маошларига қўшимча ҳақларни тўлаш учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно) мазкур Низомнинг 1-банди иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган манбалар бўйича тушадиган маблағлар етишмагандагина Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Нотариал идоралар ва нотариал архивларни ривожлантириш дастурини (бундан кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) амалга оширишга ажратилади.

6. Ҳар бир сметанинг харажат қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таснифига мувофиқ моддалар бўйича харажатларнинг тўлиқ изоҳи ва улар юзасидан ҳисоб-китоблар ва тасдиқланган штат жадвали илова қилинган ҳолда харажатлар гуруҳлари бўйича тузилади.

Штат жадваллари:

қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланган нотариал идоралар нотариуслари ва бошқа ходимлари лавозимлари сони доирасида ҳар бир нотариал идора кесимида;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тасдиқланадиган нотариал архивлар ходимлари сони доирасида ҳар бир нотариал архив кесимида тасдиқланади.

7. Ҳудудий адлия органлари раҳбарлари тасдиқланган нотариал идоралар нотариуслари ва нотариал идоралар ва нотариал архивларнинг бошқа ходимлари лавозимлари сони доирасида штат жадвалларини тасдиқлайди, шунингдек, ҳудудий сметаларни тузади ва имзолайди ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳудудий сметалар ва марказий аппарати сметасини, шунингдек, даромадлар ва харажатларнинг жам-

лама сметасини тасдиқлайди ҳамда уларни бюджет сметалари харажатлари учун белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этади.

8. Ҳудудий адлия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг ғазначилик ҳисоб рақамларига келиб тушади-ган тушумлар ҳажмидан келиб чиқиб, ҳудудий сметаларга, марказий аппарат сметасига ҳамда даромадлар ва харажатларнинг жамлама сметасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказган ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

III. Маблағлардан фойдаланиш йўналишлари

9. Мазкур Низомнинг 1-бандида назарда тутилган маблағлар нотариал идоралар ва нотариал архивларнинг жорий сақлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 104-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат институтини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПФ-4216-сон Фармони аналга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 175-модда) назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича харажатларни молиялаштиришга йўналтирилади.

10. Қўйидагилар:

а) мазкур Низомнинг 1-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган маблағлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида жамланадиган маблағларни ўз ичига олган ҳолда, нотариал идоралар ва нотариал архивларнинг қўйидаги харажатларини қоплаш учун йўналтирилади:

мазкур Низомнинг 12-банди (тўртинчи хатбошиси бундан мустасно) ва 13-бандига мувофиқ ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги шартлари билан назарда тутилган тўловларга, иш берувчиларнинг тўловларини ўз ичига олган ҳолда;

коммунал-эксплуатацион ва жорий сақлаш бўйича бошқа хизматлар харажатларини (коммунал хизматлар, алоқа хизмати, бинолар ижараси, канцелярия ва идора анжомларини сотиб олиш, техникани таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, архивга ишлов бериш ва бошқа харажатларни) қоплашга;

Дастурга мувофиқ моддий-техник базани (оргтехника воситалари билан таъминлаш, компьютерлаштириш, бошқа техник воситаларни сотиб олиш, нотариал идоралар биноларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда бошқалар) мустаҳкамлашга;

ходимларнинг касбий маҳоратларини ошириши билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини қоплашга;

нотариал идоралар ва нотариал архивлар фаолиятини яхшилашга йўналтирилган (семинарлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш) бошқа чора-тадбирларга;

б) мазкур Низомнинг 1-банди учинчи хатбошисида кўрсатилган маблағлар мазкур Низомнинг IV бўлими 3-параграфидида назарда тутилган ходимларни моддий рағбатлантиришга ва коммунал-эксплуатацион ва жорий саклаш бўйича бошқа хизматлар харажатларини тўлашга йўналтирилади. Бунда, кўрсатилган манбалар ҳисобига моддий рағбатлантиришга йўналтирилган маблағларнинг миқдори мазкур банднинг «а» кичик банди иккинчи хатбошисига мувофиқ амалга оширилган харажатларнинг 80 фоизидан ошмаслиги лозим;

в) мазкур Низомнинг 1-банди тўртинчи хатбошисида кўрсатилган маблағлар Дастурга мувофиқ гербли бланкалар тайёрлашга ҳамда бошқа шахсга бериш тақиқланган ва хатлаб қўйилган автомобилотранспорт воситалари тўғрисидаги электрон маълумотлар банкни яратишга, шунингдек нотариал идоралар ва нотариал архивларнинг моддий-техник базасини мустақамлашга йўналтирилади.

11. Жамланган маблағлар ҳисобига нотариал идоралар ва нотариал архивларни сақлаш учун маблағлар ҳар йили тасдиқланган ҳудудий сметаларда назарда тутиш ёки йил давомида марказий аппарат сметасида назарда тутилган маблағлар ҳисобига ажратилиши мумкин.

IV. Нотариал идоралар ва нотариал архивлар ходимларининг моддий таъминоти

1-§. Нотариал идоралар

12. Нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарори билан белгиланган ходимларнинг лавозим маошлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ лавозим маошларига 20 фоиз миқдоридаги устамалар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкаманиннг 1993 йил 9 июлдаги 343-сон «Ўзбекистон Республикаси судьяларини, прокуратура ва адлия органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ даража унвонлари ва кўп йил ишлаганлик учун лавозим маошларига кўшимча ва устамалар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ва «Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида»ги низом

(рўйхат рақами 177, 1995 йил 20 сентябрь) билан назарда тутилган моддий рағбатлантиришдан ташкил топади.

2-§. Нотариал архивлар

13. Нотариал архивлар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш қўйидагилардан:

лавозим маошлардан — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарорининг 25а-иловасига мувофиқ архив мудирлари учун, 24-иловасига мувофиқ архивариус учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон «Давлат хизматчиларининг лавозим маошларига йигирма фоизли устама ҳақ белгилаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ лавозим маошларига 20 фоиз миқдордаги устамалардан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ва «Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 177, 1995 йил 20 сентябрь) билан назарда тутилган моддий рағбатлантиришдан ташкил топади.

3-§. Нотариал идоралар ва нотариал архивлар ходимларини моддий рағбатлантириш

14. Мазкур Низомнинг 1-банди учинчи хатбошисида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан нотариал идоралар ва нотариал архивлар ходимларини (бундан кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) моддий рағбатлантириш бажариладиган ишларнинг сифатини яхшилаш манфаатдорликни оширишга хизмат қилади ва қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

лавозим маошларга ҳар ойлик шахсий устама ўрнатиш;

мукофотлаш;

қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантириш;

моддий ёрдам кўрсатиш.

15. Лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устама ўрнатиш ходимлар томонидан хизмат вазифаларини ташаббускорлик ва виждонан бажаришни рағбатлантириш мақсадида амалга оширилади.

16. Ходимларнинг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устама миқдори уларнинг малакасига, бажарилган ишларнинг сифатига, амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг ва кўрсатилган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатларнинг ҳамда ундирилган давлат божи суммасининг ҳажмига боғлиқ.

17. Ходимларнинг малакаси асосан қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

а) нотариуслар:

нотариус лавозимида уч йилдан кам бўлмаган иш стажи;

юримдик фанлар номзоди ёки доктори илмий даражасининг мавжудлиги; стажёрга рахбарлик қилиши;

нотариат институтини такомиллаштиришда, жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш.

б) бошқа ходимлар:

олий маълумотга эгаллиги;

нотариал идорада ва нотариал архивда икки йилдан кам бўлмаган иш стажи.

18. Нотариуслар ва бошқа ходимлар учун бажарилган ишларнинг сифати қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

интизомий ва моддий жавобгарликнинг йўқлиги;

ходимга нисбатан тушган шикоятларнинг сони;

қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларининг аниқланган сони.

19. Битта ходимга ўртача чораклик юкломанинг туман (шаҳар), вилоят бўйича битта ходимнинг шакланган ўртача чораклик юкломаси билан солиштирилиши нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар кўрсатиш ва ундирилган давлат божи суммасининг ҳажмини аниқлаш мезони бўлиб ҳисобланади.

20. Нотариусларнинг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар миқдори лавозим маошларининг 100 фоизидан, нотариал идоралар ва нотариал архивларнинг бошқа ходимларининг эса лавозим маошларининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

21. Лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар қоида тариқасида 6 ойга ёки 1 йилга белгиланади. Бунда, нотариусларга лавозим маошларининг 50 фоизидан ошиқроқ ҳамда нотариал идоралар ва нотариал архивларнинг бошқа ходимларига лавозим маошларининг 25 фоизидан ошиқроқ миқдоридидаги устамалар мос равишда нотариуслар ва бошқа ходимлар умумий сонининг 50 фоизидан кўп бўлмаган ходимларига ўрнатилади.

Иш сифати ёмонлашганда, вазифалар ўз вақтида бажарилмаганда ва меҳнат интизоми бузилганда лавозим маошларга ҳар ойлик шахсий устамалар бекор қилинади ёки камайтиради.

22. Мукофотлаш даврий ва бир марталик шаклда амалга оширилади.

Даврий мукофотлаш ҳар бир чорак якунлари бўйича амалга оширилади ҳамда иш натижалари, ҳақиқатда ишлаган вақт, нотариат институтини такомиллаштиришда қатнашишга боғлиқ ва энг кўп миқдорлар билан чегараланмайди.

Бир марталик мукофотланиш ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилиш нотариал идораларда ва нотариал архивларда узоқ йиллар ишлаган ходимларга, аввал ишлаганларни ҳисобга олган ҳолда (интизомсизлик ва хизмат хатти-ҳаракатлари учун ишдан бўшатирилганлар бундан мустасно)

юбилей саналари (50, 60, 70 ёш ва шу каби), нафақага чиқиш, бекаму кўст узоқ меҳнат фаолияти муносабати билан амалга оширилади.

23. Кўшимча моддий ёрдам:

бола туғилганда;

ходим оила қурганда;

ходим ёки унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, эри (хотини), боласи) вафот этганда;

ходим касал бўлганда кўрсатилиши мумкин.

Ходим вафот этганда моддий ёрдам унинг хотинига (эрига) ёки вояга етмаган болаларига ёхуд вояга етмаган болаларнинг васийларига (сақлаб олувчиларига), агар ходим оила қурмаган бўлса, ота-онасига тўланади.

Моддий ёрдамни тўлаш ва унинг миқдори ходимда интизомий жазонинг борлигига боғлиқ эмас.

Ходимга бир йилда ҳақиқатда тўланадиган моддий ёрдамнинг чекланган миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошмаслиги лозим.

24. Нотариал идоралар ва нотариал архивлар ходимларини моддий рағбатлантириш ҳудудий адлия органлари раҳбарларининг буйруқларига мувофиқ:

ҳудудий адлия органлари раҳбарлари ўринбосарларининг таклифлари бўйича — нотариуслар ва нотариал архивларнинг ходимларига;

нотариуслар (катта нотариуслар)нинг таклифлари бўйича — нотариал идораларнинг бошқа ходимларига нисбатан моддий рағбатлантириш амалга оширилади.

III. Яқуний қоидалар

25. Нотариал идоралар ва нотариал архивларнинг даромадлар ва харажатлари ҳисоби белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий бухгалтерияси ва ҳудудий адлия бошқармаларининг бухгалтериялари томонидан амалга оширилади.

26. Ҳудудий адлия органларининг ғазначилик ҳисоб рақамларида жамланган маблағлардан фойдаланиш ҳақида ҳисоботлар ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 санасигача белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилади.

27. Ҳудудий адлия органларининг ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигининг марказий бухгалтериясида умумлаштирилади ва ҳар чоракда, бухгалтерия ҳисоботларини тақдим этиш учун белгиланган шакл ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тармоқ ва штатлар бўйича режанинг бажарилиши юзасидан ҳамда нотариал идоралар ва нотариал архивларни молиялаштириш учун тушган ва йўналтирилган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасининг ижроси ҳақида ҳисобот тақдим этилади.

28. Маблағларнинг мақсадли ишлатилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

29. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.